

84-5 (русе 7)



*Белла
Ахмадулина*

ШЕЪРЛАР

СТИХИ

84-5 (рус 7)

ШОИР КУТУБХОНАСИ

Белла Ахмадулина

Ш е ъ р л а р

С т и х и

Мирпўлат МИРЗО таржималари



2633



Алишер Навоий номидаги

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

Тошкент - 2015

УЎК: 821.161.1 - 1
КБК 84-5(рус 7)
A-90

Ахмадулина Б. Шеърлар (М.Мирзо таржималари)
/ Шоир кутубхонаси. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. – 64 б.

Белла Ахмадулина шеърляри уйчан, фалсафий туйғуларга йўғрилган шеърят. Айни чоғда аёлларга хос бўлган камсукумлиқ пардаси ортида унинг шоирона жанговор руҳи бетакрор жозиба билан товланади.

Шоира шеърляри билан танишиб, сиз ҳам қалбингизда янги, бетакрор туйғуларни кашф этасиз.

УЎК: 821.161.1 - 1
КБК 84-5(рус 7)

ISBN 978-9943-06-522-2

© Белла Ахмадулина. Шеърлар.

©Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015 й.

Белла Ахатовна АХМАДУЛИНА (1937–2010) Москвада туғилган. Урта мактабни тамомлагач, у М.Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга киради.

Талабалик пайтида унинг кўплаб очерклари ва шеърлари матбуотда эълон қилинади.

Шоира 1959 йили Б. Пастернакни қоралашда иштирок этишдан бош тортганлиги учун институтдан ҳайдалади, кейинчалик ўқиши қайта тикланиб, 1960 йили институтни аъло баҳоларга битиради.

Шоир П. Антокольский саъй-ҳаракати билан 1962 йили унинг «Соз» номли илк шеърый тўплами чоп этилади.

Шоиранинг иккинчи китоби 1969 йили хорижда нашр қилинади. Ва у шоира бошига кўп ғалваларни келтиради. Шунга қарамасдан, унинг «Мусиқа дарси» (1969), «Шеърлар» (1975), «Шам» (1977), «Бўрон» (1977) каби тўпламлари чоп этилади.

Ўтган асрнинг «илиқлик даври» деб аталувчи 60-йилларида Б. Ахмадулина сафдошлари – А. Вознесенский, Е. Евтушенко ва Р. Рождественскийлар билан янги шеърятни шакллантиришда фаол иштирок этади. Бу шеърят халқ қалбига адабиётни, шунинг билан бир қаторда ҳақиқат учун кураш туйғусини, юксак маънавиятни олиб киришда катта хизмат қилди.

Б. Ахмадулина ижоди 2004 йили Россия Давлат мукофоти билан тақдирланган.

* * *

Яна куз, юракни чулғар ғусса-ғам,
кеч кириб, уфқда сўнар алвон из.
Менга туюлади боғ ичра бу дам
кимдир сайр этади ўйчан ва ёлғиз.

Кўркинчлимас, балки фараҳли жуда
теграда илғамок шарпалар сасин.
Кузги оқшомларнинг сарин бағрида
туйгум мен дўст меҳрин, унинг нафасин.

Кўчирсанг қалбга куз лавҳаларини —
сўнг бор тонгни алқар шабнам, бокира;
сўнгги парвози ҳам карахт арининг
мухрланар ёдга, ўчмасдек сира.

Кимнинг нигоҳи у — термилган маъсум,
ойга етиб бориб ва қайтиб ундан
латиф ёғдуларга тўйиниб шу зум,
тун ичра сирлашиб турар мен билан?

Ой нури йўғрилган хар нигоҳ ўзи —
дунёга меҳр ё таъналар ила
боқмоққа ҳақли ва марҳумлар кўзи
боқар турфа давр, замонлар узра.

* * *

Опять сентябрь, как тьму времен назад,
и к вечеру мужает юный холод.
Я в тайнствах подозреваю сад:
всё кажется — там кто-то есть и ходит.

Мне не страшней, а только веселей,
что призраком населена округа.
Я в доброте моих осенних дней
ничьи шаги приму за поступь друга.

Мне некого спросить: а не пора ль
списать в тетрадь — с последнею росую
траву и воздух, в зримую спираль
закрученный неистойвой осою.

И вот еще: вниманье чьих очей,
воспринятое некогда луною,
проделало обратный путь лучей
и на земле увиделось со мною?

Любой, чье зренье вобрала луна,
свободен с обожаньем иль укором
иных людей, иные времена
оглядывать своим посмертным взором.

Яланғоч тошлардан қайтган у шуъла
бежиз жазб этмагай инсон шуурин.
О, биламан, кимдир ҳаммадан кўра
унга кўпроқ бокиб берган кўз нурин!

Дераза ёнида боғни тингларкан,
тирқиш қолдираман мангулик учун.
Пушкин нигоҳини мендан узмасдан
ёноғим қиздириб чиқар бутун тун.



Не потому ль в сиянье и красе
так мучат нас ее пустые камни?
О, знаю я, кто пристальней, чем все,
ее посеребрил двумя зрачками!

Так я сижу, подслушиваю сад,
для вечности в окне оставив щелку.
И Пушкина неотвратимый взгляд
ночь напролет мне припекает щёку.



* * *

Ёмғир қуяр тепамдан шаррос,
вахм солар қалди роқ жонга —
тўқнаш келдим мен сенга бехос,
дуч келгандек кема тўфонга.

Қандай қисмат тушаркин бошга...
Ҳадиклардан эмасман холи —
урилгумми бориб бир тошга
ёки мени қаршилар толе.

Мен титрайман, қувонаман гоҳ
хавотирлар тўлқини аро...
Ғарчи бизлар тўқнашдик ногоҳ,
қўркмасман мен севгимдан асло.



* * *

Дождь в лицо и ключицы,
и над мачтами гром.
Ты со мной приключился,
словно шторм с кораблем.

То ли будет, другое...
Я и знать не хочу —
разобьюсь ли о горе,
или в счастье влечу.

Мне и страшно, и весело,
как тому кораблю...
Не жалею, что встретила.
Не боюсь, что люблю.



ГУНГЛИК

О, ким у — буғзимдан ўғирлаган сас?
Очилгайми бу сир, бу тилсим таги?
Ахир, нола қилай деса қилолмас —
тузалмас жарохат томоғимдаги.

Баҳор, муъжизангга боққаним сари
хайратдан кўзларим очилар катта.
Бироқ энди менинг булбул сўзларим
боғларда сайрамас — ётар луғатда.

— О, куйла! — илтижо қилар ушбу чоқ
менга қорлар, ёмғир, боғлар — юпун тан.
Мен-ку, бақираман, лабимдан бироқ
гунглик қалқар — буғдек оғиздан чиққан.

Эшилиб-тўлғонгум туюб нашида,
гарчи билсам-да мен куйлолмаслигим;
туриб қиш зеб берган дарахт қошида,
ваъдалар бераман куйларман деб жим.

Илҳом бу —

туйғулар мавжланган лаҳза
гунг-соқов қалбингнинг ютоқиши, ҳа.
Енгиллата билмас мени ҳеч нарса
буғзимдан отилган сўзимдан ўзга.

НЕМОТА

Кто же был так силен и умен?
Кто мой голос из горла увел?
Не умеет заплакать о нем
рана черная в горле моем.

Сколь достойны любви и хвалы,
март, простые деянья твои,
но мертвы моих слов соловьи,
и теперь их сады — словари.

— О, воспой! — умоляют уста
снегопада, обрыва, куста.
Я кричу, но, как пар изо рта,
округлилась у губ немота.

Задыхаюсь, и дохну, и лгу,
что еще не останусь в долгу
пред красою деревьев в снегу,
о которой сказать не могу.

Вдохновенье — чрезмерный,
сплошной
вдох мгновенья душою немой,
не спасет ее выдох иной,
кроме слова, что сказано мной.

Қанийди овозим борлиқни тутса —
буғриққан юракни бир зум бушатсам!
Неники куйлашга эдим ошуфта,
булгумдир уларда буткул мужассам.

Мудом тилсизлигим сабримни ютди
ва сўз қаршисида чуқарканман тиз,
бирдан ҳолдан тойгум, жонсиздек худди,
энди куйланг, куйланг мени ўзингиз!



Облегчить переполненный пульс —
как угодно, нечаянно, пусть!
И во всё, что воспеть тороплюсь,
воплощусь навсегда, наизусть.

А за то, что была так нема,
и любила всех слов имена,
и устала вдруг, как умерла,
сами, сами воспойте меня.



ХАЙРЛАШУВ

Хайрлашув они сўнги сўзим шу:
яхши бор, мудом сев демасман энди.
Ақлдан озгум мен. Шаффоф қалб — орзу
бамисли тошларга урилиб синди.

О, нечук севги бу? Сен тотиб кўрдинг
ишқнинг талх шаробин. Лек гап бундамас.
О, нечук севги бу? Қолди дилда мунг,
қолди фақат зулмат... Охлар урмоқ, бас!

Қалб алам комида... О, сенга, билгин,
истиффор йўқ мутлақ. Лек мен тирикман.
Вужудим чарх ургай топмасдан кўним,
бирок у сафосиз, энди бўм-буш тан.

Сўнги илинжимнинг парвози ҳали
тугамади. Бирок дунё заъфарон.
Ифорлар, товушлар қушлардек — гала,
айқаш-уйқаш учар йўқликка томон.



ПРОЩАНИЕ

А напоследок я скажу:
прощай, любить не обязуйся.
С ума схожу. Иль восхожу
к высокой степени безумства.

Как ты любил? — ты пригубил
погибели. Не в этом дело:
Как ты любил? — ты погубил,
но погубил так неумело.

Жестокость промаха... О, нет
тебе прощенья. Живо тело
и бродит, видит белый свет,
но тело мое опустело.

Работу малую висок
еще вершит. Но пали руки,
и стайкою, наискосок,
уходят запахи и звуки.



* * *

Сарфламагин менга вақтингни ортик,
Гап қотма йўлимни тўсиб сен гоҳо.
Эзгу нигоҳларинг ҳамда шафқатли
Қўлларинг-ла тутма қўлимни асло.

Баҳор пайти сакраб қўлмаклар узра,
Изимдан эргашма, сўзимга махтал.
Бу ҳам сенга бакор келмагай сира,
Булар ҳеч нарсани қилмагайдир ҳал.

Ўйлайсанки, кибр — қалбдаги ройиш,
Сен-ла дўстлашмоққа йўқ менда истак?
Фурурдан эмас бу — куйганим боис
Мудом мен бошимни тутаман юксак.



* * *

Не уделяй мне много времени,
Вопросов мне не задавай.
Глазами добрыми и верными
Руки моей не задевай.

Не проходи весной по лужицам,
По следу следа моего.
Я знаю — снова не получится
Из этой встречи ничего.

Ты думаешь, что я из гордости
Хожу, с тобою не дружу?
Я не из гордости — из горести
Так прямо голову держу.



2633

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

11778
TOSKENTAU 17

* * *

Теран ором ичра яшардим,
қалб мудроқда, уйқуда кўзим.
Уммон билса ўзин кимда-ким,
ўша уммон эдим мен ўзим.

Сен бағримга чўчиб кираркан,
хаёл қилдинг не хавфни, нени?
Тиниқ, майин мавжларим билан
олиб чиқдим қирғоққа сени.

Мен нималар қилиб қўйдим, оҳ!
Ўйламабман бу ҳолни сира —
айлангандинг баликқа мутлоқ
менинг мовий сувларим узра!

Энди мен-ла оҳ уриб, бешак,
хамма уммон ёзғиради чин:
о, соддадил, беғубор гўдак,
шўрликкинам, мени кечиргин!



* * *

Жила в покое окаянном,
а все ж душа — белым-бела,
и если кто-то океаном
и был — то это я была.

О мой купальщик боязливый,
ты б сам не выплыл — это я
волною нежной и брезгливой
на берег вынесла тебя.

Что я наделала с тобою!
Как позабыла в той беде,
что стал ты рыбой голубою,
взлелеянной в моей воде!

И повторяют вслед за мною,
и причитают все моря:
о ты, дитя мое родное,
о бедное, прости меня!



ОЙПАРАСТЛАР

Тун чукиб, ой чиқар фалакка тулин,
йўғириб дунёни гуссага маъсум.
Ойпарастлар эса чузганча қўлин,
эргашарлар унинг изидан маҳкум.

Ёввойи шуурнинг қанотларида,
хамон тутиб руҳда кундуз измини,
улар учар шаффоф хилқатлари-ла
ойнинг шуъласига бериб изини.

Таратиб унингдек совук нур-зиё,
ўзидан ҳеч нарса қилмайин ваъда,
юксакдан чорлайди мени бир рўё,
сўздек соғинтириб ойдин тунларда.

Енга олгайманми унинг қийноғин,
илғай олурманми шуъласин соҳир?
Рухимга ёгдулар ёғилган чоғи
ярата олгайми қалбим жавохир?



ЛУНАТИКИ

Встает луна, и мстит она за муки
надменной отдаленности своей.
Лунатики протягивают руки
и обреченно следуют за ней.

На крыльях одичалого сознания,
весомостью дневной утомлены,
летят они, прозрачные созданья,
прислушиваясь к отсветам луны.

Мерцая так же холодно и скупю,
взамен не обещая ничего,
влечет меня далекое искусство
и требует согласия моего.

Смогу ли побороть его мученья
и обаянье всех его примет
и вылепить из лунного свеченья
тяжелый осязаемый предмет?..



* * *

Йўловчи йигитча, йўлингдан қолма,
муддаонг нимадир — бу нечук нигоҳ?
Кўнглим эгаси бор, назаринг солма,
ёшмасман, орттирма мен учун гуноҳ.

Кўзингнинг оловли учқуни-ла тек
термулиб, қай хисдан бўлдинг асир, лол?
Шу пайт, нимагадир, ёшлиқдагидек
чеҳрам беихтиёр оловланди, ол.

Бораман... қиш захри тўқиниб менга,
чимдийди юзимни... қорда уйнар нур.
Қор қалин... аммоки ёноқларимга
тепчиб чиқа бошлар ажиб бир ҳовур.



* * *

Прохожий, мальчик, что ты? Мимо
иди и не смотри мне вслед.
Мной тот любим, кем я любима!
К тому же знай: мне много лет.

Зрачков горячую угрюмость
вперять в меня повремени:
то смех любви, сверкнув, как юность,
позолотил черты мои.

Иду... февраль прохладой лечит
жар щек... и снегу намело
так много... и нескромно блещет
красой любви лицо мое.



ГУРЖИ АЁЛЛАРИН ИСМЛАРИ

Денгизда кемалар сузарди ҳар ён,
кўм-кўк мавжлар узра кунга буриб юз;
чинорлар қирғоқда барг ёзса ғужғон,
уни тўкардилар — кириб сокин куз.

Хувиллаган кўҳна боғнинг четида
турар бир дўконча — ҳеч ашёси йўқ.
Янграр биллур узум ўткир ҳидидай
гуржи аёлларин исмлари шўҳ.

Уланиб кетар у чулдироқ сўзга
ва бу сўз уммонга чиқар югуриб.
Сўнг у сузиб кетар қоратўш ғоздек,
ҳар сорига толма бўйнини буриб.

Кулади Ламара исмли аёл,
тошдан-тошга сакраб чопар сув томон;
туфлиси пошнасин синдириб олар,
биноқ бундан завқи ортади чандон.

Медея сочларин жикка хўл қилар
эрта тонг шаршара остида туриб.
Ҳали ҳам томчилар ундан томчилар,
ўйнар вужудида офтобнинг нури.

ГРУЗИНСКИХ ЖЕНЩИН ИМЕНА

Там в море парусы плутали,
и, непричастные жаре,
медлительно цвели платаны
и осыпались в ноябре.

И лавочка в старинном парке
бела вставала и нема,
и смутно виноградом пахли
грузинских женщин имена.

Они переходили в лепет,
который к морю выбегал
и выплывал, как черный лебедь,
и странно шею выгибал.

Смеялась женщина Ламара,
бежала по камням к воде,
и каблучки по ним ломала,
и губы красила в вине.

И мокли волосы Медеи,
вплетаясь утром в водопад,
и капли сохли, и мелели,
и загорались невпопад.

Мавж уриб кучоққа тўлган чечакка,
шаррос толпопукка тўқиниб илкис,
Ариадна исми ўрлар юксакка
ва сингиб кетади уфқларга олис.

Тирилиб қозикка – сувдаги саёз,
денгизга энгашар сохил бу дамлар.
“Цисана!” – дарчадан таралар овоз,
“Натэла!” – ва унга жавоб жаранглар.



И, заглушая олеандры,
собравши все в одном цветке,
вitalo имя Ариадны
и растворялось вдалеке.

Едва опершись на сваи,
там приникал к воде причал.
«Цисана!» — из окошка звали,
«Натэла!» — голос отвечал...



* * *

Неча бор ҳаёт-ла мен видолашдим,
неча бор ўйладим — ҳаммаси тамом.
Тунлар қоғоз узра термилганда жим,
тукилди сўзларим лузумсиз, бежон.

Кўрдим мен тақдирнинг таҳқир-озорин,
руҳим кўркувлардан, титроқдан толди.
Бироқ ҳар гал мени Гуржи диёри
бошимни силади, бағрига олди.

О, қанча илтифот, меҳрлар кўрдим,
қандоқ сўзлар айтиб англатай кимга, —
ғалати ҳисларга йўғрилиб кўнглим,
қайнок ёшлар сизди мижжаларимга!

Тифлис, билмай қолдим, англолмам сира
қай бағритош ота, қай сангдил она —
мени қолдирмишдир остонанг узра
кераксиз фарзанддек — худди бегона.

Тифлис, менга зинҳор қилмадинг аён,
мен ҳам сўрамадим — нечун ҳимматлар.
Мени совғаларга кўмдингу тамом,
яна боз устига айтдинг “раҳмат”лар!

* * *

Я столько раз была мертва
иль думала, что умираю,
что я безгрешный лист мараю,
когда пишу на нем слова.

Меня терзали жизнь, нужда,
страх поутру, что все сначала.
Но Грузия меня всегда
звала к себе и вырочала.

До чудных слез любви в зрачках
и по причине неизвестной,
о, как, когда б вы знали, — как
меня любил тот край прелестный.

Тифлис, не знаю, невдомёк —
каким родителем суровым
я брошена на твой порог
подкидышем большеголовым?

Тифлис, ты мне не объяснял
и я ни разу не спросила:
за что дарами осыпал
и мне же говорил "спасибо"?

Туманга чулганган эртанги куним
ичра яратмай мен ҳар қанча имкон,—
сенинг муҳаббатинг оқламоқ учун
умрим камлик қилар, ожиздир бу жон...



Какую жизнь ни сотворю
из дней грядущих, из тумана, —
чтоб отслужить любовь твою,
все будет тщетно или мало...



ШЕЪРИЯТ КУНИ

Ким у — назм кунига ошуфта бўлган
ва уни байрам деб жар солган мағрур?
Бағрида изларим йўқолган йўлдан
халқ оқиб келмоқда майдонга масрур.

Ажиб бир издиҳом — эл шаҳди бўлак.
Солмам мен юракка унинг шукуҳин.
Сен мен-чун айёмсан — қадрли, юксак,
гарчи тантанадан йирокдир руҳим.

Халқ тинглар ютоқиб, жўшиб алқайди,
не ажаб, шеърий сўз уни этса жалб.
Хислар қамти турса — кабир ва майда,
кўп ҳам фарқлай билмас жайдари бу қалб.

Тегрангни жаҳолат қуршаганда, бас,
ҳеч ким туймас бунда манфур залолат,
байрамлар бекорга уюштирилмас,
инжа умид учун шудир кафолат.

Бежиз титратмагай шеърнинг сўзлари,
юрак туйғуларга тўлар эзгу, шаън.
Зеро, болакайлар, кизлар кўзлари
бежиз порламайди ўтқир хайратдан.

ДЕНЬ ПОЭЗИИ

Какой безумец празднество затеял
и щедро Днем поэзии нарек?
По той дороге, где мой след затерян,
стекается на празднество народ.

О славный день, твои гуляки буйны.
Я на себя их смелость не беру.
Ты для меня — торжественные будни.
Не пировать мне на твоём пиру.

А в публике — доверье и смущенье.
Как добрая душа ее проста!
Великого и малого смешенье
не различает эта доброта.

Пока дурачит слух ее невежда,
пока никто не видит в этом зла,
мне остается смутная надежда,
что праздники случаются не зря.

Не зря слова поэтов осеняют,
не зря, когда звучат их голоса,
у мальчиков и девочек сияют
восторгом и неведением глаза.

МЕХР

Бу меҳрни сезса бўлур ва
аён унда аломатлар ҳам.
Гоҳ у яккол ташланар кўзга,
нарсаларда бўлиб мужассам.

Бир антиқа биллур идишдек
стол узра бўлар у пайдо,—
ажабланиб термулгайсан тек,
нурланаркан ажиб, мусаффо.

Оилада ғалати жунбиш,
хамма қотар ҳайратдан таққа.
— Қайдан келди бу биллур идиш? —
хотинингни тутгунг сўроққа.

— Харид қилдинг неча пулга,
айт? —
деб шўрликни қийнама ортиқ.
Зеро, мен ҳам олисда бу пайт —
хурраммасман ғамлардан ортиб.

Кўз ёшларим биллур менинг ҳам,
томчиси, о, офир туюлар,—

НЕЖНОСТЬ

Так ощутима эта нежность,
вещественных полна примет.
И нежность обретает внешность
и воплощается в предмет.

Старинной вазою зеленой
вдруг станет на краю стола,
и ты склонишься удивленный
над чистым омутом стекла.

Встревожится квартира ваша,
и будет все поражены.
— Откуда появилась ваза? —
ты строго спросишь у жены. —

И антиквар какую плату
спросил? —

О, не кори жену —
то просто я смеюсь и плачу
и в отдалении живу.

И слезы мои так стеклянны,
так их паденья тяжелы,

тошга тушган шишадек бирдан,
сукунатда жаранглар улар.

Қуришмаймиз куп замон магар,
йўқ, кўришиб оз вақтга мутлоқ —
мен беозор, ҳар гал безарар
мўъжизалар яратгум шундоқ.

Бехос осмон тортар-да хира —
тўрт тарафни чулғагай ғубор.
Қичқиргунг сен: — Тинчлик йўқ сира!
Қайдан келди бу булут, ағёр?

Сен иримчи дехқон сингари
айюҳаннос кўтарма бирдан —
меҳрим биллур заррачалари
инмиш сенинг кифтингга бу дам.

Сездирмайин, кўзлардан пинҳон
сехр-жоду қилгайман сени
ва нимадир қаршингда шу он
пайдо бўлар, эслатиб мени.

Макрларим эрмак эрур заб,
йўлларингни тўсгайман, билсанг.

они звенят, как бы стаканы,
разбитые среди тишины.

За то, что мне тебя не видно,
а видно — так на полчаса,
я безобидно и невинно
свершаю эти чудеса.

Вдруг облаком тебя покроет,
как в горных высях повелось.
Ты закричишь: — Мне нет покоя!
Откуда облако взялось?

Но суеверно, как крестьянин,
не бойся, «чур» не говори —
то нежности моей кристаллы
осели на плечи твои.

Я так немудрено и нежно
наколдовала в стороне,
и вот образовалось нечто,
напоминая обо мне.

Но по привычке добрых бестий,
опять играя в эту власть,

сени ғамдан, кулфатдан асраб,
ўзимни ҳам киламан хурсанд.

Хайр энди! Изингдан қолма!
Унут бўлар жоду-эрмаклар.
Бироқ мурғак фарзандларингга
қолар мендан ажиб эртақлар.



я сохраню тебя от бедствий
и тем себя утешу всласть.

Прощай! И занимайся делом!
Забудется игра моя.
Но сказки твоим малым детям
останутся после меня.



АПРЕЛЬ

Қизлар — яшар висол орзуси билан.
Йигитлар — ўзларин сафарга шайлар.
Апрель айёмлари ёқимли бирам,
хаммани бир-бири ила дўст айлар.

Янги ой чиқар, о, янги салтанат,
олам кўркамлашар сенинг туфайли.
Сенинг хислатларинг яхшилиқ фақат,
оғар шафоатга кунларнинг зайли.

Қутқаргунг дарёни музлардан қат-қат,
олисларни яқин қилмоқ сенга хос,
телбалар кўнглига соласан ҳикмат,
чолларни дардлардан айлагунг халос.

Шафқатинг керакмас фақат бир менга.
Сўрмасман лутфингни ёлбориб минбаъд.
Чирокни ўчиргум кириб хонамга
ва хона ичин ҳам чулғайди зулмат.



АПРЕЛЬ

Вот девочки — им хочется любви.
Вот мальчики — им хочется в походы.
В апреле изменения погоды
объединяет всех людей с людьми.

О новый месяц, новый государь,
так ищешь ты к себе расположенья,
так ты бываешь щедр на одолженья,
к амнистиям склоняя календарь.

Да, выручишь ты реки из оков,
приблужишь ты любое отдаленье,
безумному даруешь просветленье
и исцелишь недуги стариков.

Лишь мне твоей пощады не дано.
Нет алчности просить тебя об этом.
Ты спрашиваешь — медлю я с ответом
и свет гашу, и в комнате темно.



БЎРОН

Кўмар борлиқни бир ажиб оқликка.
Февраль — табиатнинг лутфи, нафрати,
шимолнинг бетакрор кўҳлиги ила
беланди далабоғ ғариб турбати.

Тўрт уйдан иборат кўча — кириб кеч,
кенгайиб бўйига, энига бу чок —
олар ўз бағрига иккиланмай ҳеч
осмоннинг бор қорин, ойни — бир кучок.

Изғирин увиллар! Не қилсин бу дам,
бўрон — кенгликларда тўзфиган қордир
ва бу манзарани юрак тубидан
ҳис эта билганлар учун нисордир.

Муз остида қолган жилдироқ сой ва
бошин маъюс эгган қарағайни ҳам
чулгагайдир зумда ажиб чиройга,
кўмиб ташлар ўзга кўркка тамоман.

Балки шундан унинг гувранишида —
кечмиш гўзаллик ва ошуфта кунлар
фароғатин кўмсаб оҳ тортишлар ва
алаҳлаган янглиф жунбишли унлар.

МЕТЕЛЬ

Февраль — любовь и гнев погоды.
И, странно воссияв окрест,
великим севером природы
очнулась скудость дачных мест.

И улица в четыре дома,
открыв длину и ширину,
берет себе непринужденно
весь снег вселенной, всю луну.

Как сильно вьюжит! Не иначе —
метель посвящена тому,
кто эти деревья и дачи
так близко принимал к уму.

Ручья невзрачное течение,
сосну, понурившую ствол,
в иное он вовлек значенье
и в драгоценность перевел.

Не потому ль, в красе и тайне,
пространство, загрузив о нем,
той речи бред и бормотанье
имеет в голосе своем.

Кўмилиб қорларнинг қалин сирига,
узилар дафъатан тириклик саси —
уй ва қабристонни бири-бирига
мудом боғлаб келган ғамнинг риштаси.



И в снегопаде, долго бывшем,
вдруг, на мгновение, прервалась
меж домом тем и тем кладбищем
печали пристальная связь.



АНДРЕЙ ВОЗНЕСЕНСКИЙга

Бизнинг манглайларга сўз муҳрин босди,
дўстлаштирди бизни эътиқод, ғоя.
Мен ўзимни ҳурмат қилардим, рости,
фақат бўлганим-чун сенга ҳамсоя.

Шеърдан маст юрган илк паллалар хар дам
фараҳларга чулғар эди дилимни —
тинмай таъкидламоқ сенинг кўплардан
айричалигингни, устунлигингни.

Манглайинг ҳақида гапириб сенинг,
дердим: — Олтин ёғду қошлари узра
порлаб турганини кўрдим — бу, билинг,
унга Тангри лутфи, инояти, ҳа.

Ўзимнинг пешонам ҳақида дердим,
асло ярқираган пешона эмас!
Унда бахт тамғаси йўқ эрур тайин,
асло улуғликдан нишона эмас.

Бироқ чапдастроқман мен бир нарсада,
ажиб ҳийла ила барин этгум ҳал!
Олий муҳр-чун хун тўлар лаҳзада
ўзимга сўрагум ҳукмни аввал.

АНДРЕЮ ВОЗНЕСЕНСКОМУ

Ремесло наши души свело,
заклеймило звездой голубою.
Я любила значенье свое
лишь в связи и в соседстве с тобою.

Несказанно была хороша
только тем, что в первейшем сиротстве
бескорыстно умела душа
хлопотать о твоём превосходстве.

Про чело говорила твое:
— Я видала сама, как дымилось
меж бровей золотое тавро,
чьё значенье — всевышняя милость.

А про лоб, что взошел надо мной,
говорила: не будет он лучшим!
Не долеплен до пяди седьмой
и до пяди седой не доучен.

Но в одном я тебя превзойду,
пересилю и перелукавлю!
В час расплаты за божью звезду
я спрошу себе первую кару.

Атайлаб бұрттириб манглайим шунда
мақтангум — меңдадир асл иқтидор.
Иккинчи манглай ҳам ёмонмас унча,
тор бўлса, бу унинг айбимас зинҳор.

Менинг кўнглимда шу фикр мукаррар.
Қисмат, шаксиз, буни шу тарзда ечар.
Бироқ кўрқаманки — мен кетсам агар,
сенинг холинг қандок бўлар, не кечар?



Осмелею и выпячу лоб,
похваляясь: мой дар — безусловен,
а второй — он не то, чтобы плох,
он — меньшей, он ни в чем не виновен.

Так положено мне по уму.
Так исполнено будет судьбою.
Только вот что. Когда я умру,
страшно думать, что будет с тобою.



КУЗ

Кўм-кўк осмон энди тундлашар, қора,
арилар болини бермоққа шайдир.
Куз чукур тин олар, калб ҳам тобора
тиниқ сувлар каби теранлашгайдир.

Худди мевалар тот йиғгандек чандон
туйғу сайқалланар, захматлари кўп.
Зеро, куз меҳнати эмасдир осон,
худди сўзникидек машаққатли хўб.

Кунлар замирида бордек толе-кут,
кузнинг сийратида ажиб ҳикмат бор,
доноликка ўхшаб туюлар сукут,
сингар юрагингга сокин бир виқор.

Ҳатто болакай ҳам

велосипедда
елдек учиб борар экан олмай тин,
сенга бир зум боккан нигоҳларида
кўрасан қандайдир ғуссани ёрқин.



ОСЕНЬ

Не действуя и не дыша,
все слаще обмирает улей.
Все глубже осень, и душа
все опытнее и округлей.

Она вовлечена в отлив
плода, из пустяка пустого
отлитого. Как кропотлив
труд осенью, как тяжело слово.

Значительнее, что ни день,
природа ум обременяет,
похожая на мудрость лень
уста молчаньем осеняет.

Даже дитя, велосипед
влекущее,
вертя педалью,
вдруг поглядит на белый свет
с какой-то ясною печалью.



МАНЗАРА

Ҳали куз, бироқ қиш ёйиб юборгай
зебу зийнати кенгликларга заб.
Қочиб шуълалардан, ўтаман четлаб,
туширмаслик учун соям оқ қорга.

Шишасоз, жо этдинг қандайин мазмун —
биллур сумалаклар нур тарар ҳар ён!
Суриб қалпоғини энсага шодон,
шимар муз парчасин болакай мамнун.

Мен ҳам гўё ёшман — дунё фаройиб,
оғзимда қатра муз эрир мисли бол,
қорларда сирғаниб, гоҳ бехос тойиб,
эрта тонг йўлимда бораман хушҳол.



ПЕЙЗАЖ

Еще ноябрь, а благодать
уж сыплется, уж смотрит с неба.
Иду и хоронюсь от света,
чтоб тенью снег не утруждать.

О стеклодуд, что смысл дутья
так выразил в сосульках этих!
И, запрокинув свой беретик,
на вкус их пробует дитя.

И я, такая молодая,
со сладкой льдинкою во рту,
оскальзываясь, приседая,
по снегу белому иду.



ҚИШ

Қишнинг замзамаси – аёз қатида
яшириндир оташ, ажиб эҳтирос.
Бор эрур қишнинг бу фазилатида
малҳамбахш хислатлар, тиббиётга хос.

Йўқса, нечун юрак озурда, талош
изтиробин – чиқиб туннинг йўлига
ишонгандек худди дўстига сирдош,
тутмоқчи бўлади қишнинг қўлига?

Қорли тун, афсун қил, сеҳрла минбаъд,
босгум манглаймни тонгингга бедор,
вужудим топсин то ажиб фароғат
шифобахш бу совук бўсадан такрор.

Шуур мавжланади лоқайдлик сўниб –
ёлғонни ишонч-ла қарши олмоққа,
боқмоқликка ҳар бир дарахтга тўниб,
жонвор нигоҳига нигоҳ солмоққа.

Кечирмоқ оддий, жўн ўйиндир гўё,
кечиргайсан сенга қилганни таъна,
етгач поёнига афв шу асно,
кечиргинг келади кимнидир яна.

ЗИМА

О жест зимы ко мне,
холодный и прилежный.
Да, что-то есть в зиме
от медицины нежной.

Иначе как же вдруг
из темноты и муки
доверчивый недуг
в ней обращает руки?

О милая, колдуй,
заденет лоб мой снова
целебный поцелуй
колечка ледяного.

И все сильнее соблазн
встречать обман доверьем,
смотреть в глаза собак
и приникать к деревьям.

Прощать, как бы играть,
с разбега, с поворота,
и, завершив прощать,
простить еще кого-то.

Аёзли айёмнинг боқиб қалбига
у билан бўйлашгинг келар жимгина
ва бўлмоқ истайсан қишнинг олдида
унинг бир жилоси — инжа, кичкина.

Ўзимни маҳв этгим келади шу он —
девор ортидаги соямни эмас,
фараҳ-ла таралган нурни чароғон
рўпарамга чорлаш учун бир нафас.



Сравняться с зимним днем,
с его пустым овалом,
и быть всегда при нем
его оттенком, малым.

Свести себя на нет,
чтоб вызвать за стеною
не тень мою, а свет,
не заслоненный мною.



САҲНАГА ЧИҚИШ

Келибок, бу йил қиш қорлари кўкдан
ерга кўнганидек енгил, беозор —
мен ҳам чиқиб келдим саҳнага десам,
сизлар бу сўзимга ишонманг зинҳор.

Кўника олмам, о,
нигоҳларингиз
тафтига рўбарў турмоққа мудом.
Овозларим менинг оёқларингиз —
остига тўкилар ва эрир тамом.

Карахтман! Ҳолим йўқ! Тўшакдан туриб
саҳнага чиқмоқлик — оғир юк, малол.
Манглайим нақ муздир! Кўксимда хуруж!
О, кимдир, келгин-у, вақтни чўза қол!

Мисли сим дор узра турибсан бу чоқ —
ўтиб олгин омон, пастга қуламай.
Аён — тугаябман, кўз очгум бироқ.
Шундоқ бўлган. Бўлар бу гал ҳам шундай.

Жо айлаб қалбга руҳ тугёнин, азмин,
ташна юракларга бахш этгум борим.
Лек мен севган инсон ўлтирар
вазмин,
шояд етган бўлса унга ҳам зорим.

ВЗОЙТИ НА СЦЕНУ

Пришла и говорю: как нынешнему снегу
легко лететь с небес в угоду февралю,
так мне в угоду вам легко взойти на сцену.
Не верьте мне, когда я это говорю.

О, мне не привыкать, мне не впервой,
не внове
взять в кожу, как ожог, вниманье ваших глаз.
Мой голос, словно снег, вам упадет в ноги,
и он умрет, как снег, и обратится в грязь.

Неможется! Нет сил! Я отвергаю участь
явиться на помост с больничной простыни.
Какой мороз во лбу! Какой в лопатках ужас!
О кто-нибудь, приди и время растяни!

По грани роковой, по острию каната —
плясунья, так пляши, пока не сорвалась.
Я знаю, что умру, но я очнусь, раз надо.
Так было всякий раз. Так будет в этот раз.

Исчерпана до дна пытливыми глазами,
на сведенья ушей я трачу жизнь свою.
Но тот, кто мной любим, всегда спокоен
в зале.

Себе не сохраню, его не посрамлю.

Томоғим қирилди шеър ўқимокдан,
бирок энди ортда тараддуд ғами.
Тобора ёркинроқ — битта жамулжам
сиймога айланар чехралар жами.

Таъзим айламоққа вужудим карахт.
О, олгум ниҳоят мен енгил нафас.
Сизга беролдими сўзларим фарах?
Кўп эмас — озгина бўлса ҳам, шу бас.



Измучена гортань кровотечением речи,
но весел мой прыжок из темноты кулис.
В одно лицо людей, все явственной и резче,
сливаются черты прекрасных ваших лиц.

Я обращаю в поклон нерасторопность жеста.
Нисколько мне не жаль ни слов, ни мук моих.
Достанет ли их вам для малого блаженства?
Не навсегда прошу — пускай на миг, на миг...



ГУЛЛАР

Ўсар гуллар иссиқхонада хандон,
деворларга, шифтга сўйлаб дил розин.
Илдизлари яйраб қулф урар чандон,
бирок япроқлари юпқа ва нозик.

Писандмас уларга энг совуқ мавсум,
нени истасалар — пойида шундоқ,
токи ардоқдаги гулларнинг маъсум
кўзлари порласин ёрқин ва қувноқ.

Чироклар осдилар — сочсин деб ёғду,
уларга илтифот, эътибор каммас —
рахмлари келиб кетганданмас бу
ёки улар узоқ турсин деб ҳаммас.

Асрарлар байрамлар учун, бегумон,
мен улар қисматин уйлайман ҳар бор;
ифорни билмаслар, ахир, ҳеч қачон,
фақат боғда булар бундайин ифор.

Улар ушланмаслар лабларда узоқ,
билмаслар сирини тонгги титроқнинг
ва меҳрини туймай утарлар мутлоқ
тун бўйи ёмғирга туйган тупроқнинг.

ЦВЕТЫ

Цветы росли в оранжерее.
Их охраняли потолки.
Их корни сытые жирели
и были лепестки тонки.

Им подсыпали горький калий
и множество других солей,
чтоб глаз анютин желто-карий
смотрел круглей и веселей.

Цветы росли в оранжерее.
Им дали света и земли
не потому, что их жалели
или надолго берегли.

Их дарят празднично на память,
но мне — мне страшно их судьбы,
ведь никогда им так не пахнуть,
как это делают сады.

Им на губах не оставаться,
им не раскачивать шмеля,
им никогда не догадаться,
что значит мокрая земля.

91.794 - 82 - 05.

Адабий-бадиий нашр

БЕЛЛА АХМАДУЛИНА

Шеърлар

Стихи*

Мухаррир: Ш. Курбон
Техник муҳаррир: Н. Нуриддинов
Мусаххих: Б. Бийболаев
Саҳифаловчи: Э. Мирзаев

Нашриёт лицензияси: АІ №159, 14.08.2009.

Босишга рухсат этилди: 12. 03. 2015 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{32}$.

UZ-Times гарнитураси. Офсет босма.

Шартли босма т. 4.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 6.


Нархи шартнома асосида.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

МЧЖ “JAVOXIR NASHR”

босмахонасида чоп этилди.

Манзил: 100170 Тошкент. Зиёлилар кўчаси, 6-уй.



ISBN 978-9943-06-522-2



9 789943 065222